

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ МАСОФАВИЙ ЎҚИТИШГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИШ: МУАММОЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР

To'rayeva Lutfiyaxon Ixom Qizi

Toshkent Davlat Iqtisodiyot Universiteti fakulteti TDIU va

UrDIU qo'shma xalqaro ta'lim dasturi talabasi

BA-25 guruhidan

lutfiaturayeva2005@gmail.com

Анотация: Ушбу мақола масофавий ўқитишга замонавий технологияларни интеграция қилиш муаммолари ва истиқболларига бағишланган. Масофавий таълим тизимида ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш имкониятлари ўқув жараёнини самарали ташкил қилиш, талабаларнинг билим олиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Масофавий таълимнинг афзалликлари сифатида билим олишдаги эркинлик, вақт ва маконга боғлиқ бўлмаганлик ҳамда таълим сифатининг ошиши қайд этилган. Мақолада масофавий таълим учун зарур моддий-техника базаси, ўқув-услубий материалларнинг роли ва интернет технологиялари ёрдамида тингловчи-ўқитувчи муносабатларининг янги шакллари ҳам кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: масофавий таълим, ахборот технологиялари, интернет, ўқув жараёни, виртуал таълим муҳити, электрон дарсликлар, аудио-видео материаллар, таълим сифати.

Кириш.

Ҳозирда замонавий ахборот технологиялари маълумотларни қайта ишлашнинг мустақил тизими сифатида ҳам, функциявий таркибий қисм сифатида ҳам ишлайди ва янада йирик тизим доирасида бошқарув жараёнини таъминлайди.

Масофавий таълим тизимида билим, ўқув ва кўникмаларини олиш жараёнини «масофавий таълим тизими» деб номланиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, умумий ҳолда масофавий тизимда ўқитувчи билан тингловчи ўртасидаги мулоқот компьютер, телекоммуникация қурилмалари ва Интернет орқали амалга оширилади. Ўқув жараёнида тингловчи ўқув материалларини ва топшириқларини ўз компьютерига олади, бажарилган тест ва назорат ишларини ўқитувчига Интернет ёки электрон почта орқали юборилади.

Масофавий таълимнинг анъанавий ўқитишдан фарқи.

Ўқитишнинг анъанавий сиртки шаклидан фарқ қилган ҳолда масофадан туриб таълим бериш ахборот базасини анчагина бойитиш тингловчи билан ўқув

юрти ўртасидаги ўзаро муносабатни жадаллаштириш, таълимнинг услубий таъминланишини бойитиш имкониятини беради.

Масофавий ўқитишнинг янги усуллари билим даргоҳларида ташкил қилинади. Бу усулда маърузачи бир вақтнинг ўзида юзлаб, ҳаттоки минглаб талабаларга маъруза ўқиши ва шу вақтнинг ўзида талабалар билан фикр алмашиши ва саволларга жавоб бериши мумкин. Бу усул юқори техникалардан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Яъни, ҳар бир хоналар микрофон, видеокамера, вилеопроектор ва аудио-видео ускуналар билан таъминланган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бу усул нафақат бир билим даргоҳи, нафақат бир давлат, борингки турли давлатлар ўртасида қўл келади.

Масофавий таълимда ахборот-коммуникация технологияларининг ахамияти.

Таълим тизимида масофадан ўқитишни қўллаш учун аввало унинг моддий техникавий базасини яратиш, ўқув-услубий материалларни тайёрлаш, кутубхоналарни автоматлаштириш зарур. Бизга маълумки, республикамизнинг барча ўқув юртларида интернет ва электрон почта мавжуд. Демак улар масофадан ўқитиш курсларини ташкил этиш имкониятига эга. Бу эса ҳозирги кунда масофавий таълимда ахборот-коммуникация технологияларининг имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

Бугунги компьютёрли ўқитиш шароитида ўқув жараёнини қуйидаги

3 та ташкил этувчидан иборат тизим сифатида қараш мумкин:

- ўрганувчининг билиш фаоллиги;
- ўқув фаолият “ўқитувчи-компьютёр(тармоқ технологиялари)-ўрганувчи”

тизим сифатида;

- ўқитувчи ва ўрганувчининг ўзаро алоқаси ва ҳамкорлиги.

Масофавий таълимда талаба ва ўқитувчи фазовий бир-биридан ажралган ҳолда ўзаро махсус яратилган ўқув курслари, назорат шакллари, электрон алоқа ва Интернетнинг бошқа технологиялари ёрдамида доимий мулоқотда бўладилар. Интернет технологиясини қўллашга асосланган масофавий ўқитиш жаҳон ахборот таълим тармоғига кириш имконини беради, интеграция ва ўзаро алоқа тамойилига эга бўлган муҳим бир туркум янги функцияларни бажаради.

Нима учун масофавий таълим керак бўлиб қолди? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб тариқасида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- Таълим олишда янги имкониятлар (таълим олишнинг арзонлиги, вақт ва жойга боғлиқмаслиги ва бошқалар).

- Таълим масканларига талаба қабул қилиш сонининг чекланганлиги.

- Таълим олишни хоҳловчилар сонининг ошиши.

- Сифатли ахборот технологияларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.

- Халқаро интеграциянинг кучайиши.

Юқорида санаб ўтилган шароит ва имкониятлар масофавий ўқитишга эҳтиёж борлигини кўрсатади.

Масофавий ўқитишнинг таълим тизимида бир-биридан фарқланувчи модел ва шакллари мавжуд бўлиб, улар қуйидаги қўлланиш шартлари билан фарқланади:

- географик шартлар (масалан, мамлакат территорияси, марказдан узокликда жойлашуви, иқлими);

- мамлакатнинг ахборотлашуви ва компьютерлаштириш умумий даражаси;

- коммуникация ва транспорт воситаларининг ривожланиш даражаси;

- таълим жараёнида ахборот ва коммуникация технологиялари воситаларининг қўлланиш даражаси;

- таълимда қўлланиладиган анъаналари;

- масофавий ўқитиш тизими учун илмий педагог кадрлар мавжудлиги ва уларнинг салоҳияти ва бошқалар.

Масофавий таълимнинг мақсадлари.

Умуман олганда масофавий таълимнинг мақсадига қуйидагилар киради:

- Мамлакат миқёсидаги барча ҳудудлар ва чет элдаги барча ўқувчилар, талабалар, таълим олишни хоҳловчиларга бирдек таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

- Етакчи университетлар, академиялар, институтлар, тайёрлов марказлари, кадрларни қайта тайёрлаш муассасалари, малака ошириш институтлари ва бошқа таълим муассасаларининг илмий ва таълим бериш потенциалларидан фойдаланиш эвазига таълим беришнинг сифат даражасини ошириш.

- Асосий таълим ва асосий иш фаолияти билан параллел равишда қўшимча таълим олиш имкониятини яратиб бериш.

Ўқув дастурлари бўйича ўқиш учун зарур бўлган моддий ва техник воситалар мажмуи ўз ичига ўқув ва ўқув ёрдамчи хоналарини; лаборатория ускуналари, ўқитишни техник воситалари, ўқув китоблари, ўқув қуроллари ва бошқа ўқув услубий материалларини олади. Ўқув илмий материалларнинг катта қисми тингловчиларнинг узокдалиги сабабли вертуал-ахборот-таълим муҳитини ташкил этади.

Масофадан ўқитиш шакли қўлланилганда ўқитиш воситалари анъанавийлардан ташқари бир қанча қўшимча воситаларни ўз ичига олади:

- электрон ўқув нашрлар;
- ўргатувчи компьютер тизимлари;
- аудио, видео ўқув материаллари ва бир қанча воситалар.

Электрон дарсликлар (ЭД). ЭД лар тегишли сервер қисмларга жойлашти- рилади ёки компакт дискларда жойлашган бўлади. Электрон ўқув адаби- ётлари билим олувчиларнинг тасаввурини кенгайтиришга, дастлабки билимларини ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўъжалланган бўлиб, кўпроқ чуқурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилиши мақсадга мувофиқ. ўқув адабиётларининг мазмуни билим олувчиларда мустақил ва эркин фикрлаш, олинган билимларни босқичма- босқич бойитиш, мукаммаллаштириб бориш, мустақил таълим олиш, янги билимларни ўқув адабиётлардан излаб топиш кўникмаларини ҳосил қилишни таъминлаши керак.

Электрон дарсликлар ва таълим воситалари.

Масофали таълим бериш воситаларига қуйидагилар киради:

- қоғоз нашрлари;
- тармоқли электрон нашрлари;
- гиперматнли ва мультимедия шаклидаги компьютер ўқитиш тизимлари;
- аудио ўқув-ахборот материаллари;
- видео ўқув-ахборот материаллари;
- масофали виртуал тажриба амалий ишлари;
- маълумотлар ва билим ахборот базалари;
- электрон кутубхоналар;
- геоинформацион тизимлар асосидаги таълим бериш воситалари ва бошқалар.

Дарсликлар ва гиперматнли технологиялар.

Юқори даражадаги дастурлаш тилларидан фойдаланилганда, дарслик дастурий комплекс сифатида амалга оширилади ва маълумотлар базасида сақланадиган дидактик материаллардан фойдаланишни таъминлайдиган алоҳида бажариладиган модулни ифодалайди. Бундай маҳсулот кўпайтиришдан ҳам, тестлаш тизимига рухсатсиз киришдан ҳам юқори даражада ҳимояланган бўлади. Бу ёндашувнинг асосий афзаллиги шундаки, юқори даражадаги дастурлаш тиллари (*Object Pascal, C++*) дан ва маълумотлар базаларини бошқаришнинг кучли тизимларидан фойдаланиш, ҳар қандай муаллифлик ғояларини амалга ошириш имконини беради. Бошқа технологиялар бу нарсани жуда мураккаблаштириб юборади ёки амалда мумкин қилмайди. Бундан ташқари, дастур интерфейси (ойна тури, элементларнинг унинг ичида жойлашиши, шрифтлар) ҳар доим ўзгармас бўлади, айти вақтда гиперматнли ҳужжатнинг ташқи кўриниши, турли дастурлардан кўриш учун фойдаланилганда, жиддий фарқ қилиши мумкин. Дарсликни янгилаш дастур кодини ўзгартириш бўйича мутахассисларнинг жиддий меҳнатини талаб қилади,

юқори даражадаги тилларда дастурларни тайёрлаш учун зарур бўлган замонавий дастурий таъминот анчайин қиммат маҳсулотдир. Бунда, дастурлаш технологияларидан фойдаланиб ЭЎК ни тайёрлаш, лойиҳада педагогга ўз қарорларини тикиштирадиган эмас, балки у билан конструктив диалогга тайёр бўлган юқори малакали дастурчилар иштирок этишини талаб қилади. Пировардида, ҳар бир электрон дарслик, яратилиши пайтида асосий эътибор соф техник муаммоларни ҳал этишга қаратиладиган ноёб ва қиммат маҳсулотга айланади. Бундай фаолият ўқув юрти ёки ўқув-методик марказ структурасида электрон дарсликлар тайёрлаш бўйича махсус бўлинма бўлгандагина мақсадга мувофиқ.

Тўлақонли электрон ўқув курсини яратиш учун энг кенг имкониятларни *гиперматнли технология* беради. Биз зарур ахборот осон топиладиган ва ўтилган материалга қайтиш мумкин бўлган, қулай ўқитиш муҳити билан фарқ қиладиган замонавий гиперматнли ЭЎК нинг афзалликларини кўриб чикдик. Бундай дарсликни лойиҳалашда, инсон тафаккурининг ахборотни боғлаш қобилиятига ва ассоциатив қатор асосида ундан тегишлича фойдаланишига таяниб, гиперҳаволалар киритиш мумкин.

Агар электрон ўқув курси дастлаб, алоҳида компьютерда автоном фойдаланиш учун ишлаб чиқилган бўлса, уни тармоқнинг (локал ёки *Internet*) махсус ажратилган серверида жойлаштириш учун махсус қайта ишлаш талаб этилади. Аввалдан универсал фойдаланишга мўлжалланган ва шунга мувофиқ, гиперматнли технология асосида тайёрланган курслар бундан мустасно. Ҳозирги вақтда бундай ёндашув кенг тарқалмоқда, шунинг учун электрон ўқув курсини таълим *Web*-серверида тақдим этиш хусусиятлари нафақат курснинг ўзи билан, балки ахборотни ва берилган серверда ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштириш учун, қандай умумий принциплар танлангани билан ҳам боғлиқ. Таълим серверларининг *Internet* тармоғида ишлаши билан танишиб, ҳозирги вақтда ўқув материалларини тақдим этишга ҳам, ўқувчилар билан ўзаро ҳамкорликни ташкиллаштиришга ҳам ягона ёндашув ва стандартлар ишлаб чиқилмаганлигини кўриш мумкин. Таклиф қилинаётган ахборот курсларининг муҳофазаланганлик даражаси, берилган ўқув юрти ўқувчиларининг тор доираси учун фақат пароль бўйича чекланган фойдаланишдан тортиб, очик фойдаланиш режимида ўқув-методик материаллар, илмий мақолалар ва ш.к.ларни тўлиқ тақдим этилишигача оралиқда тебранади.

Маконда тақсимланган таълим тизимини яратишдаги кўплаб масалаларни ҳал қилишда, педагоглар ҳам, ўқувчилар ҳам катта роль ўйнашлари мумкин.

Таълим *Web*-сервери негиздаги виртуал ўқув марказини ахборот жихатдан қўллаб-қувватлаш комплексини шакллантириш ва ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида, иккита асосий йўналишни белгилаш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни ва мумкин бўлган фойдаланувчилар аниқланишини ҳисобга олиб, қуйидагича хулоса чиқарамиз: яқин йилларда фақат *Internet* орқали ўқитишга таяниш мумкин эмас. Методик материаллар, улардан универсал – *Internet* орқали, локал тармоқларда, ўқувчиларнинг алоҳида компьютерларида ва олисдаги ўқув-маслаҳат пунктлари ва филиалларида фойдаланиш мумкин бўладиган тарзда ишлаб чиқилиши керак. Бундан ташқари, тақдим этишнинг ўзи, зарур материалларни почта орқали осон юбориш, натижаларни турли режимларда: бевосита тармоқда ишлашда серверда оператив қайта ишлаш билан, уларни кейинчалик қайта ишлаш ва тегишли шаклда хабардор қилиш билан, ўқитиш сифати назорат қилинишига имкон бериши керак.

Материалларни турли тақдим этишларга (сервер учун, лекцияни аудиторияда компьютер орқали тақдим этиш учун, дискетларда ёки компакт-дискларда етказиб бериш учун) осон айлантириш имконини берадиган стандарт воситалардан фойдаланиш, навбатдаги ҳар бир электрон дарслик учун ноёб инструментал воситалар ишлаб чиқишга қараганда истиқболлироқдир.

Бу муаммоларни ечишга мажмуавий ёндошиш ахборот технологияларини тез ривожлантириш учун базани шакллантириш ва уларни ўқув жараёнига тадбиқ этишга имкон беради. Ҳозирги вақтда масофавий таълим, ахборот технологияларидан фойдаланиш эртанги кун тушунчаси бўлмай қолдилар ва улар, шубҳасиз бизнинг мамлакатимизда ахборотли жамиятни шакллантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшадилар, келажаги буюк ёш давлат - Ўзбекистон Республикасида таълим тизимининг сифати ва самарадорлигини оширишда асосий омил бўладилар.

Адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасида 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси. 2019 йил 8 октябрь. // [Электрон ресурс]. Мавжуд манба: <https://ex.uz/ru/docs/4545887/> (мурожаат санаси: 12.04.2021).
2. Рахимов О.Д. Таълим сифати - ҳаёт сифати. // Таълим-услубий қўлланма, Қарши: ТАТУ филиали нашриёти, 2015.
3. Рахимов О.Д., Рахматов М.И., Бойров З.Р. Инсониятнинг биосферага таъсири ва экологик муаммолар. // Москва, “Илм-фан муаммолари” журнали, 2019 йил, май. №5 (41). Б. 6-7. DOI 10.24411/2413-2101-2019-10501.

4. Рахимов О.Д., Рахимова Д.О. Глобаллашув даврида таълим сифати. // “Илм-фан муаммолари”, 2021 йил, №1 (60) Б. 36-39. DOI: 10.24411/2413-2101-2021-10101.
5. Асаул А.Н. “Ахборот жамиятида олий профессионал таълимни шакллантириш”. - 2011. - №6. - Б. 9-15.
6. https://imrs.uz/publications/articles-and-abstracts/online_education
7. <https://cyberleninka.ru/article/n/razvitie-dstantsionnogo-obrazovaniya-v-uzbekistane>
8. <https://ifap.ru/pi/06/r14.htm>
9. <https://qurilishtalim.uz/index.php/1/article/view/1810>